



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 12 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 164 (12.977)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE ·
24
O'ZBEKISTON · NEZARISIMOLAT



Бир неча кунлардан сўнг Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрамини кенг нишонлаймиз. Байрам муносабати билан пойтахтимиз янада чирой очмоқда. Шаҳримизнинг барча туманларида байрамолди тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Фуқароларимизнинг кайфияти чоғ, кўнгиллари тўқ, қалблари ҳаяжонга тўлиб, энг азиз байрамни қарши олмақдалар.

ЯШНОБОД ТУМАНИ:

ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Ушбу кўтлуг айёмни муносиват тайёр-гарлик кўрган ҳолда меҳнатдаги ютуқлар билан кўтиб олиш юртимиз аҳолиси учун аъёнага айланган. Бугун Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида энг улғу байрамга тайёргарлик ишлари қизгин давом этаётди. «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори доирасида турли тадбирлар, маънавий-маърифий йўналишдаги учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Байрамга тайёргарлик Яшнобод туманида ҳам қизгин паллага кирган. Яшнобод тумани 1968 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозир бу ерда 219 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўп миллатли бўлишига қарамадан туман аҳолиси бир-бири билан аҳил, иноқ ва ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда. Майдон 36,5 минг кв.м. бўлган туман ҳудудида 869 та кўп қаватли ва 15313 та яқка тартибдаги уйлар мавжуд. Кўп қаватли аҳоли турар жойларида ҳозирда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Уйларнинг том ва фасад қисмларидаги таъмирталаб жойлар аниқланмоқда. Яқка тартибдаги турар жойлар атрофи маҳалла оқсоқоллари бошчили-

гида тартибга келтирилиб, чиқиндилар ва қургин дарахт шохлари олиб ташланмоқда.

Яшнобод тумани ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида етакчилардан ҳисобланади. Бугун бу ерда 3450 дан зиёд ана шундай корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Туманда 2015 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ривожлантириш прогноз кўрсаткичи параметрлари бажарилди ва барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Жумладан, саноат маҳсулотлари, ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари ҳажми ва чакана савдо айланмасида бирмунча ўсиш суръатлари қузатилди.

Ёшларга таълим-тарбия бериш, мактаб ва бошқа таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари туман мутасаддиларининг доимий эътиборида. Ҳозирда мазкур ҳудуддаги барча мактаблар янги ўқув мавсумига тайёр ҳолатга келтирилган. Яшнободда 40 та мактабгача таълим

муассасаси, 29 та мактаб, 2 та академик лицей, 6 та касб-хунар коллежи ва 5 та мусиқа мактаби ёшлар камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Келажак авлодни жисмонан соғлом тарзда вояга етказишда спортнинг ўрни бекиб. Буни яхши англаган Яшнобод тумани мутасаддилари ёшларни спортга жалб этиш, улар учун замонавий спорт масканларини барпо этиш ва қўлай шaroит яратишга катта эътибор қаратишмоқда. Ҳозирда туманда икки стадион, учта сув ҳавзаси, шунча спорт мажмуаси, 51 та спорт зали ҳамда кўплаб тўғараклар, 58 та спорт майдончалари ёшлар билан гавжум.

Кейинги йилларда туманда барча соҳаларда юксалиш ва ривожланишни кўриш мумкин. Бу эса туманда истиқболли ишлар амалга оширилаётганидан далolat беради. Туман аҳолиси эса ҳар йилгидек Мустақиллик шодиёналарини улкан ютуқлар, бунёд этилган янги ишношлар ва кўтаринки кайфиятда нишонлаш ниятида.

(Яшнобод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг роли» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотариат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, сенаторлар, депутатлар, ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Турдиқулов ва бошқалар Президентимиз Исроҳ Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида бозор иқтисодиётига асосланган, пухта ўйланган ислохотлар жараёнида аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотариат ташкилотлари ривожини учун барча зарур шароитлар яратилганини таъкидлади.

Мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти» сари тамойили ҳаётга изчил жорий этилиши самарасида фуқаролик институтлари, нодавлат нотариат ташкилотлари демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ННТлар фаолиятида янги имкониятларни очди. Концепция доирасида

қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун давлат органларининг нодавлат нотариат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, жумладан, тармок, ҳудудий дастурларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ижтимоий ҳамкорлик асосида ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлайди.

Қонуннинг 18-моддасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари тўзилди.

Семинарда жамоат комиссиялари фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, мазкур комиссиялар аъзоларининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий шериклик субъектлари ташаббусларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тартиби, шартлари ва турлари хусусида сўз юритилди. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги, жамоат ташкилотларига мулк, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-усlubий кўмак бериш бўйича дастури ишлаб чиқишга доир масала муҳокама этилди.

Назозат УСМОНОВА,
Ўза муҳбири

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур». Президентимиз Исроҳ Каримов ташаббуси билан илгари сурилган ушбу эзгу ғоя жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишини белгилаш, долзарб тиббий-ижтимоий масалаларни ҳаётга татбиқ этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда дастурамал вазифасини ўтамоқда.

СОҒЛОМ АВЛОД ОРЗУСИ ИЖОБАТИ

Ўтган йиллар мобайнида ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ва ташкилий механизми яратилди. Аҳоли, жумладан, оналар ва болаларга самарали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий тизим барпо этилди. «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастури ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Жаҳон амалиётида илк бор мамлакатимизда ҳомиладор аёллар давлат бюджети ҳисобидан бепул поливитаминлар билан таъминланмоқда. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш тўла бажарилаётди. Мамлакатимиздаги бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида тиббий-илмий марказлар ва етакчи клиникалар олимлари ва мутахассислари иштирокида аёллар, болалар, ўсмирлар ва кенг аҳоли қатламларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш аъёнага айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори мазкур йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгайтди.

Бу жараёнда болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда болаларга жаҳон тиббиётининг илгор тамойиллари асосида тиббий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган ўзига хос тизим яратилган. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва вилоятлардаги кўп тармокли болалар тиббиёт марказларида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

2014 йили «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази тубдан реконструкция ва модернизация қилинди, бир қатор бўлимлар учун янги бинолар қурилди. Натижада мазкур тиббиёт масканининг маслаҳат-ташхис поликлиникаси ва даволаш бўлимида йилга ўн икки мингдан ортиқ болага жаҳон андозалари даражасида бепул тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

Болаларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш, диагностика ва даволашнинг самарали усуллари яратиш мазкур марказ фаолиятининг устувор йўналишидир. Қарийб тўқсон нафар олим ва тадқиқотчи фаолият юритаётган марказда илмий изланишлар жараёнида Ўзбекистон Фанлар академияси институтлари, ихтисослаштирилган тиббий-илмий марказлар, олий ўқув юрлари ва етакчи хорижий клиникалар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда. Шу боис болалар ўртасида учрайдиган бир қатор касалликларни даволашнинг замонавий усуллари яратилди. Ўпка ва нафас йўллари хасталиклари, энтераль етишмовчиликда ҳужайрада рўй берадиган бузилишлар, ондан болага ОИТС юқишининг олдини олиш, кам вазли чақалоқларни соғломлаштиришнинг оптимал усуллари шулар жумласидандир.

Марказда даволаш ишлари илмий изланишлар билан уйғун ҳолда олиб борилади. 400 ўринли клиникада болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шарт-шaroит яратилган.

Мазкур муассасада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг замонавий илгор технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, репродуктив саломатлигини сақлаш, перинатал ёрдам, чақалоқларнинг бирламчи реанмацияси, кўкрак сути билан боқилиш тарғиб этиш, болалар касалликларини интеграллашган усулда даволаш, гўдакларнинг ривожланишини мониторинг қилиш каби қатор дастурлар амалга оширилмоқда.

— Жаҳон миқёсида касалликларни интеграллашган усулда даволаш услуби кенг қўлланилмоқда, — дейди марказ директорининг ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Абдуманноп Абдуқаюмов. — Бу замонавий технология камхаржлиги, беморни тез ва самарали даволашга асослангани билан аҳамиятлидир. Ана шундай лойиҳалар ёрдамида болалар ўртасида учрайдиган кўпгина касалликларнинг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли хасталикларга қарши курашиш, чақалоқлар ўлимини кескин қамайтириш, болаларнинг саломатлик кўрсаткичини яхшилаш имконияти яратилди.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимизнинг 2015 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори асосида Жиззах туманидаги транспорт ва саноат касб-хунар коллежида «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда таниқли адиблар, санъаткорлар ва олимлар иштирок этди.

● Термизда «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» республика кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Энг намунали 14 маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг библии, тажриба ва кўникмаси синовдан ўтказилган танловда Термиз шаҳридаги Алпомиш номли маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

● Самарқандда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлинмалари ходимлари малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинари бўлиб ўтди.

● Наманганда «Ёшлар бандлиги — долзарб масала» шиори остида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада 645 та корхона ва ташкилот томонидан 7 минг 831 бўш ҳамда квоталанган иш ўринлари тақлиф этилган бўлиб, 4 минг 336 киши, жумладан, 2 минг 818 нафар касб-хунар коллежи битирувчисига бандлик марказлари томонидан ишга кириш учун йўлланма берилди.

ЖАҲОНДА

● Мексикада Ретех газ ўтказгичининг портлаши натижасида кучли ёнғин чикди ва камида беш киши ҳаётдан кўз юмди.

● Хитойнинг Шэньси музофотида ер кўчиши натижасида тоғ-кон компаниясига тегишли бешта ётоқхона ва учта уй қалин лой тагида қолиб кетган. Яқин атрофдаги уйларнинг аҳолиси хавфсиз жойларга кўчирилди. Табиий офат туфайли қирққа яқин киши бедарак йўқолган.

● Грециянинг молия ва иқтисодиёт вазирлари ҳамда кредит берувчилар миссияси раҳбари Грецияга ёрдам кўрсатишнинг учинчи дастури бўйича келишувга эришилгани ҳақида эълон қилишди. Мамлакат парламентида кўриб чиқилганидан сўнг ушбу келишувнинг тақдири маълум бўлади.

● Японияда кейинги икки йил ичида илк бор ядро реакторининг фаолияти қайтадан тикланди. Яъни, кеча «Сендай» атом электр станциясидаги биринчи реактор ишга туширилди.



Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда спортга, хусусан, болалар спортга бўлган эътибор кучайтирилди. Юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Турли мусобақалар ташкил этилиб, ёш спортчилар рағбатлантирила бошланди.

СПОРТЧИЛАР МАҲОРАТИ ОШМОҚДА

Мана шундай самарали ишлар натижасида мамлакатимизда спорт тараққий этиб, спортчиларимиз нуфузли мусобақаларда юқори ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар. Бундай муваффақиятларга эришишда ҳудудларда ташкил этилган болалар спорт мактабларининг ўрни катта. Ана шундай спорт мактабларидан бири Яшнобод туманидаги 9-сонли болалар ва ўсмирлар ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактабидир.

Мазкур замонавий мактаб 2013 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилди ва 70 турдаги спорт анжомлари билан таъминланди. Ҳозирги кунда мактабда спортнинг ўн та тури: бокс, бадий гимнастика, велоспорт, тазквондо WTF, турон, муайтай, эркин кураш, бел олиш кураши ҳамда ўзбек жанг санъати бўйича машғуллар олиб борилади. Мактабда жами 602 нафар спортчи бўлиб, уларнинг 117 нафарини қизлар ташкил этади.

Қисқа муддатда спорт мактаби шугулланувчиларидан беш нафари спорт устаси, 26 нафари спорт усталигига номзод ҳамда 263 нафари оммавий тоифаларга эга бўлишди.

Мамлакатимизда спортга, хусусан, ёш спортчилар маҳоратини оширишга эътибор йилдан йилга ошиб бораётган, дейди 9-сонли болалар ва ўсмирлар ихтисослаштирилган

олимпия захиралари спорт мактаби раҳбари Алишер Иброҳимов. – Бу, албатта, ўз самарасини бермоқда. Спортчиларимиз жаҳон майдонларида ўз ғалабалари билан мамлакатимиз байрогини баланд кўтармоқдалар. Шу жумладан, бизнинг мактабимиз тарбияланувчилари ҳам мамлакатимиздаги ва халқаро майдонларда яхши натижаларни қайд этишмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу спорт мактабидан шу пайтгача кўплаб чемпиони ва таниқли спортчилар етишиб чиққан. Спортнинг муайтай тури бўйича икки нафар спортчи Д.Қодиров ва М.Нусратовлар жаҳон чемпиони, тазквондо WTF бўйича Н.Турсункулова жорий йилда ўтказилган саккизинчи Осиё чемпионатида кумуш медал соҳиббаси бўлди. Шунингдек, 41 нафар республика чемпионлари етишиб чиққан.

– Болалигимдан спортнинг муайтай турига қизиқман ва шугулланиб келмоқдман, – дейди Дониёр Қодиров. – Устозларимнинг яхши сабоқ бериши натижасида жаҳон чемпиони бўлдим. Бошқа спортчилар қатори мен ҳам халқаро майдонларда яхши натижаларни қайд этишга доимо интиланман. Ҳали спортчининггина Ватани байроги энг юқорида туради. Мен ҳам доим Ватанимизнинг байроғи халқаро спорт мусобақаларида энг юқорида ҳилпирашини истайман.



ЯШНОБОД ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

Азал-азалдан миллатимизда қўни-қўшничилик, ёру биродарлик, ён-атрофдагилар билан бирдикда қилиш, бирдамликда, ҳамжиҳатликда яшашдек ўзига хос хислат бор. Бу одатларни бугунги кунда маҳаллаларимиз ҳаётида қўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, одамларнинг бирдамликда, тинч ва осойишта, тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, бир-бири билан иноқликда яшашда маҳалланинг ўрни беқиёс. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маҳалла меҳр-оқибат масканидир.

Бу масканда миллийлик, урф-одат ва анъаналар бардавонлиги мужассам. Ёшларнинг одоб-ахлоқи, теран фикрлайдиган, Ватанига садоқатли бўлиб ўсишида, ота-онасига, oilасига меҳр-оқибат кўрсатишида, катталарга ҳурматда, кичиклар эса иззатда бўлишида маҳалла муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касбга йўналтириш борасида ҳам маҳаллаларда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис мазкур тузилма ва унинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётган.

Юртимнинг ободлиги маҳаллалардан бошланади. Маҳаллаларнинг орасталиги, кўркам ва саранжом-саришталлиги эса юртимизнинг янада қиёфаси очишига ҳисса қўшади. Шаҳримиздаги ана шундай

файзли ва обод маҳаллалардан бири Яшнобод туманидаги "Катта Янгиобод" маҳалласидир.

Асосан яқка тартибдаги уйлардан иборат бўлган маҳаллада Энг улуг ва энг азиз байрамимизни ўзгача иштиёқ билан қутиб олиш учун тайёргарлик авжида. Уйлар ва бошқа иншоотларнинг ён-атрофи, кўчалар ва аҳоли йиғиладиган масканларни тозалаш, обдонлаштириш ишлари кетмоқда. Бугунги кунда "Катта Янгиобод" маҳалласида 1150 та оила мавжуд бўлиб, уларда 3450 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Маҳалламиз тумандаги энг кўзга кўринган, тинч ва осойишта гўшалардан бири, – дейди "Катта Янгиобод" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Комилжон Зиямухамедов. – Аҳолининг кўп қисмини

ёшлар ташкил этади. Ёшларимизнинг бандлигини таъминлаш, уларни билим ва интеллектуал салоҳияти юқори инсон қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, биз ҳам бу борадаги ишларга катта эътибор қаратмоқдамиз. Яқинда маҳалламизда янги спорт мажмуаси иш бошлади. Бу ерда ёшларимиз спортнинг мини-футбол, кураш, дзюдо, армрестлинг турлари билан шугулланишмоқда. Бундай спорт мажмуалари маҳаллалар болаларининг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишига катта ҳисса қўшади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу маҳаллада аҳоли бир-бири билан жуда иноқликда истиқомат қилади. Биргаликда кам таъминланган oilаларга моддий ёрдам кўрсатилади, қари-ялар ҳаммиса йўқлаб турилади. Бу ҳам бўлса маҳалла аҳолининг меҳр-оқибатли, соҳоватли эканлигидан далолат беради.

Маҳаллада ободонлаштириш, тозалаш ва орасталик ишларига доимо эътибор қаратилади. Мустақиллик байрами олдиндан бу ишлар янада кучайтирилган. Энг улуг байрамни "Катта Янгиобод" маҳалласи аҳоли кўтаринки руҳда қутиб олишни ният қилган.

Оҳанг, туйғулар, самимият, ишонч. Таралаётган куйда уларнинг барчаси мужассам. Сознинг ноласи тингловчи юрагига етиб, унда юртга муҳаббат, садоқат, вафо, инсоний туйғулар, эзгуликни жўш урдиради. Бу куй ёш пианиночи – Нодиранинг машғулот хонасидан эшитилмоқда...

Мустақиллик фарзандлари

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Нодира Дадамухамедова – истиқлол фарзанди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида ёш авлод учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Ҳар бир соҳада олиб борилган улкан ўзгаришлар, замонавий имкониятларга эга ўқув масканлари, ёшлар ижодиёти марказлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ўғил-қизларнинг беғубор орзу-ниятлари рўйида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қилаётган.

Нодира етти ёшдан В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида мусиқа санъати сирларини ўрганди. Тажрибали, салоҳиятли устозлардан олинган сабоқ уни ижодий муваффақиятлар сари чорлади.

Ёш истеъдод соҳибасининг илк муваффақияти 2003 йили Грецияда ўтказилган «Konzerteum» 9-халқаро ёш пианиночилар танловида иккинчи ўринни эгаллагани бўлди. Унинг истеъдодига бўлган бу эътироф ўзига нисбатан ишончини янада оширди. Ёш пианиночи 2006 йил Эстонияда, 2007 йил Португалияда, 2012 йил Руминияда ўтказилган халқаро пианиночилар танловларида фахрли ўринларни эгаллади.

Давлатимиз раҳбарининг истеъдодли, фидойи фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак, деган гаплари доимо ёдимда. Бугун юксак парвозлар учун қанотга ҳам, имкониятга ҳам эгамиз, – дейди Н.Дадамухамедова. – Эришаётган ютуқларимиз замирида биз, ёшларга берилётган юксак эътибор, катта ишонч мужассам. Ўзбекистон фарзандимни дейишдан доимо фахрланаман ва бунинг масъулиятини чуқур ҳис этаман.

Ёш иқтидор соҳибаси Киевдаги «Индивидуалис» халқаро мусиқа танловининг видеотанловида икки бор ғолиб бўлди. Франциядаги «Париж юлдузлари» халқаро санъат танловида Гран-прини қўлга киритди. Нодира 2010 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлди.

2011 йили Латвиянинг Рига, Беларусунинг Минск шаҳарларида ўтказилган халқаро фестиваллардаги иштироки Нодиранинг истеъдодини, мусиқий билимини яна бир бор синовдан ўтказди. Бу каби ижодий беллашувлар унинг иродасини тоблади, истеъдодини янада ривожлантирди.

Юртимизда кўплаб соҳаларда ўз тенгдошларига ўрнатилган истеъдодли ёшлар ҳар томонлама кўлаб-қувватланмоқда. Нодира 2014 йилда лицейни аъло баҳоларга битириб, имтиёзли равишда Ўзбекистон давлат консерваториясининг талабаси бўлди.

– Талабалик менга янада кўпроқ масъулият юклади, – дейди Нодира. – Бу энди ҳақиқий мутахассис бўлишимни, болалик орда қилиб, мустақил ҳаётга қадам ташлаётганимни англатиб турарди. Жорий йилда Чехиянинг Прага шаҳрида ўтказилган "Пражский звездопад" халқаро танловида биринчи ўрин ҳамда махсус соврин эгаси бўлдим. Бу талабаликдаги илк ютуғимдир. Муваффақиятларим янада кўпайди. Бунинг таассуротлари ўзгача.

Бугун дунё Ўзбекистон ёшларини, истеъдодли фарзандларини яхши танийди. Президентимиз таъбири билан айтганда, халқаро жамоатчилик Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизда униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришга, етук ва баркамол авлод бўлиб вояга етишига қараб бизнинг нимага қодир эканлигимизга баҳо беради.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА муҳбири

САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Яшнобод туманида аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари, турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлида қилинаётган бундай эзгу мақсадли ишлар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу борадаги ишлар бугунга келиб ўзининг маҳсулини бераётганлиги қувонарли ҳолдир. Аниқ мақсад-мазмунга, тиббий соҳадаги илмий-тадқиқотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган юзлаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Чунончи, 2014 йилда "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида Яшнобод тумани Тўзель мавзеси биринчи даҳасида 35 минг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган 31-оилавий поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди. Поликлиникада барча тор доирадаги шифокорлар, умумий амалиёт шифокорлари ҳамда ҳамширалар аҳолига сифатли тиббий

хизмат кўрсатмоқдалар. Поликлиникага бириктирилган аҳолининг 8593 нафарини туғиш ёшидаги аёллар, 7259 нафарини болалар, 25839 нафарини катта ёшдагилар ташкил этади. Поликлиника тўққизта маҳалла аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади. Соғлом турмуш тарзини аҳоли ўртасида чуқур тарғиб қилиш мақсадида маҳалла фаоллари билан биргаликда ўзвий иш олиб боради.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Кексаларни ёзозлаш йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан поликлиникада бир қатор ишлар олиб боришмоқда. Шу жумладан катта ёшдаги аҳоли орасида чуқурлаштирилган тиббий қўриқ 100 фоиз ўтказилди ва аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштириш ишлари олиб боришмоқда. II жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари туманда жами 11 кишини ташкил этиб, улар тиббий қўриқдан ўтказилди ва стационарларда соғломлаштирилди. 132 нафар меҳнат fronti қатнашчилари тиббий қўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар стационар, амбулатор, уйдаги стационарлар, санатор-курорт шартларида соғломлаштирилмоқда. Ўтган олти ой давомида 3629 нафар болаларни қўриқдан ўтказиш режалаштирилган бўлиб, 3297 нафари тегишаруван ўтказилди.

Тумандаги олтинчи беш нафардан кўпроқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган "Lazzat karamel" хорижий корхона шаклидаги масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган қандолатчилик маҳсулотлари ўзининг нархи ва юқори сифати билан кўпчиликлка маъқул бўлмоқда.

СИФАТГА ЭЪТИБОР — САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

Мазкур корхона 2011 йилда Швейцариянинг "NBC AG" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда эллик хилдан зиёд карамель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада Германия технологиялари асосида соатига бир тонна қандолат маҳсулотлари тайёрлаш имконияти мавжуд.

Ҳозирги кунда корхона маҳсулотлари мамлакатимиз бўйлаб ўз мижозларига эга. Келгусида Қирғизистон, Қозғистон ва Афғонистон республикаларига маҳсулотларни экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига кўплаб имкониятлар яратиб беришмоқда, – дейди корхонанинг молия масалалари бўйича директори Саидкамал Жабборов. – Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида биз ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва технологияларни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз. Давлатимизнинг Мустақил байрами арафасида корхонамизда янги линияни ишга туширишни режалаштирмоқдамиз. Мазкур лойиҳамиз хориж технологиялари асосида вафли ва шоколад маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ўйланган режамиз муваффақиятли амалга ошса, яна 20-25 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлади.

Айтиб ўтилганидек, корхонада янги лойиҳанинг татбиқ этилиши билан маҳсулотларнинг тури ва микдори ортади. Келтирилган технологиялар асосида бир кунда 4-5 тонна йигирма хилдан зиёд вафли ва шоколадли вафли ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

Корхонада ишчиларнинг кўп қисмини ёшлар ташкил этганлиги боис тажрибали ишчилар уларга иш ўргатиб келишади. Яқинда корхонанинг бир қатор ходимлари Германияга бориб, ўз малакаларини ошириб қайтишди.

Ўтган йил якунларига қўра, корхона ходимлари олдиларига қўйган режани ортиси билан бажаришга муваффақ бўлишди. Ишлаб чиқариш қўлами 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 10-15 фоизга кўпайди. "Lazzat karamel" жамоаси пойтахтимизда ўтказиладиган халқаро кўргазма ва ярмаркалар ҳамда танловларда иштирок этиб, юқори натижаларни қайд этиб келмоқда.

Ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг тури ва сифатига берилётган эътибор натижасида харидорларнинг "Lazzat karamel" маҳсулотларига бўлган талаби ортмоқда. Бу эса корхона мутасаддиларининг янада кўпроқ изланиш ва интилишига янги маҳсулот турларининг яратилишига омил бўлаётган.

Саҳифа материалларини Абдуалим САЛИМОВ тайёрлади
Козим Ўлмасов олган суратлар

Юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, ижтимоий инфратузилмани тараққий эттириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва моддий фаровонлигини ошириш, кучли ижтимоий муҳофаза қилиш каби муҳим вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва роли тобора ошиб бормоқда.

Ушбу вазифаларнинг самарали бажарилишида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимдан юксак билим ва малака талаб этилишини таъкидлаш жоиз.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг жорий йил 7 майдаги йиғилиши баёни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури»да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлим ва бўлимчалари ходимларининг малакасини ошириш бўйича икки кунлик ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда.

Кунги кеча «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан Фонднинг Тошкент шаҳар бўлим ва бўлимчалари ходимларининг билим ва малакаларини янада оширишга қаратилган икки кунлик ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий оғи ва тафаккурини юксалтириш, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш каби соҳаларда амалга ошириладиган ишларда услубий ёрдам кўрсатиш борасидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Тингловчилар томонидан семинарнинг дастлабки кунда Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарлари, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ва қатор маърузаларининг мазмун-моҳияти, уларда кўзда тутилган устувор вазифаларни маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишни самарали ташкил этиш масалалари атрофича муҳокама этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви масъул котиби Наврўз Мусаев. — Фонд ходимлари олдида турган муҳим вазифалардан бири «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашдир. Мазкур семинар давомида бу борада соҳа мутахассислари томонидан тизим ходимларига зарур тушуна ва тавсиялар берилди.

— Фуқаролар йиғинлари ходимларига услубий ёрдам кўрсатишда мазкур семинарнинг аҳамияти катта, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод туман бўлими бошқаруви раиси Фанишер Чулиев. — Семинарда мутахассислар

томонидан ҳозирда маҳалла фуқаролар йиғинларида учраётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан етарлича маълумотларга эга бўлди. Фуқароларнинг муносабатларини ўрганиш ва уларга жавоб йўллашда бир қатор таклиф ва тавсиялар берилгани ҳам айтиш мумкин бўлди. Туманимиздаги 58 та маҳаллада ушбу семинардан олинган билимларни тарғиб қилиш орқали мавжуд камчиликларни бартараф этиш имконияти юзага келди.

Ўқув-семинари олий ўқув юртларининг малакали профессор-ўқитувчилари ҳамда мутасадди идораларнинг масъул ходимлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда замонавий интерактив мулоқотлар тарзида ўтказилди. Тизим ходимларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларини янада ошириш мақсади-

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИНИНГ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИ ОШИРИЛДИ

да ташкил этилган тадбирда янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оксоголи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти, уларда белгиланган ваколатларни амалга ошириш механизмлари бўйича ҳам кенг тушуналар берилди.

— Мустақиллик йилларида маҳалла нуфузини кўтариш йўналишида олиб бориладиган кенг қамровли ислохотлар натижасида бугун нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ушбу ноёб бошқарув институтининг фаолияти катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бу бизда албатта фахр ҳиссини уйғотади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Яшнобод тумани бўлими бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Улуғбек Саидов. — Шундай экан, шиддатли ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда давр билан ҳамнафас яшаш тақозо этилади. Шу боис зиммамизга юкланаётган вазифаларни муваффақиятли урдалашда билим ва тажрибамизни доимий ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Икки кунлик семинар айнан шу масалаларга қаратилгани билан аҳамиятли эканлигини таъкидлаш жоиз.

Маҳалланинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали ташкил этиш, шунингдек, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизминини кучайтириш, йиғинлар ҳузуридаги асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ишини самарали ташкил этиш, ота-оналарнинг баркамол

авлодни тарбиялашдаги билим ва масъулиятини ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил этилган «Ота-оналар университетлари» фаолиятини такомиллаштириш бўйича фуқаролар йиғинлари ходимлари ва уларга ёрдам кўрсатишда биринчи кўмакчи бўлган тизим ходимларининг вазифалари ҳам муҳокама этилди.

— Давлатимиз раҳбарининг доимий эътибор ва ғамхўрликлари туфайли юртимиз обод бўлиб, халқимиз турмуши тобора фаровонлашиб бормоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлими бошқаруви бош мутахассиси Мунира Арипова. — Семинарда ҳамкор ташкилотлардан иштирок этган соҳа мутахассисларининг ишларини ўрганган ҳолда тумандаги 48 та маҳалла фуқаролар йиғинларига амалий, услубий кўмаклашиб бориш борасида катта тажрибага эга бўлди. Бундан ташқари бундай анжуманлар маҳаллаларда ёшлар тарбияси, миллий анъаналар ва урф-одатларни асраш ҳамда ривожлантириш, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини тарғиб этиш, оилаларда маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш каби вазифаларнинг самарали бажарилиши, «Ота-оналар университетлари» фаолиятини жонлантириш, ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимларини ошириш бўйича тадбирлар ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий кўмаклашиш масалаларида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги масъулиятини янада оширишга

хизмат қилади. Оилаларда соғлом турмуш тарзини таъминлашда, фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялашда, ўқувчи-ёшларнинг давомати ҳамда бандлигини таъминлашда ҳам муҳим омилдир.

Семинар давомида хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш ҳамда маҳаллаларда миллий урф-одатлар асосида тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимларни ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш, фонд бўлим ва бўлимчаларининг давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла институтини янада ривожлантириш йўлида олиб бориладиган барча эзгу ишларимиз, сиёсий, маданий ва маърифий йўналишдаги фаолиятимиз албатта ўзининг ихобий самарасини беради ва янада фаол ишлашга ундайди. Зеро, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов айтганларидек: «Ўзини ўзи бошқариш халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳудудларидаги барча ишлар учун масъулдир. Бугун маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Маҳаллага эътибор — жамиятимиз тараққиётга эътибор демекдир».

**Шоира МУҲАМЕДОВА,
Зиёда РАСУЛОВА**

СОҒЛОМ АВЛОД ОРЗУСИ ИЖОБАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фан ва технологиялар тобора ривожланган бугунги даврда тиббиёт соҳасидаги янги иштироқлар илгари даволаш имкони бўлмаган қўллаб-қўллашларни аниқлаш ва соғломлаштиришда қўл келмоқда. Бундай замонавий имкониятлар педиатрия соҳасига ҳам кенг татбиқ этилаётди. Олимларимиз олиб бораётган илмий лойиҳалар натижасида қўллаб-қўллаш технологияли самарали даволаш усуллари амалиётга жорий этилди.

Заиф эшитадиган болаларни оператив усулда даволаш бўйича татбиқ этилган кохлеар имплантация — шундай усуллардан. Тўғма ва орттирилган касалликлар туфайли эшитиш қобилиятини маҳрум бўлиш боланинг саломатлиги, тўлақонли ривожланишига тўқтинлик қилади ва кўп ҳолларда ногиронликка сабаб бўлади. Тиббиётнинг жадал тараққий этиши бу муаммони бартараф этишда кенг имкониятлар яратди. Бирок, ушбу операция усули анча мураккаб бўлиб, бунинг учун юқори малакага эга шифокорлар, энг сўнгги русумдаги тиббий технологиялар, имплантантлар талаб этилади. Шу боис бу усул санокли мамлакатларда амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, операция йўли билан соғломлаштирилган бола тўла ҳаётга мослашиши учун ўзига хос тиббий реабилитация босқичларидан ўтиши зарур. Кохлеар имплантация операцияси йўлга қўйилган айрим давлатларда операциядан кейинги тиббий реабилитация масаласига эътибор қаратилмаган. Мутахассисларимиз янги операция усулини жорий этишдан аввал жажон тиббиётда ушбу соҳадаги ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммоларни ҳам чуқур ўрганди. Шу асосда шакллантирилган янги даволаш усули икки босқични — беморни операция йўли билан соғломлаштириш ва уни ҳаётга тўла мослаштириш, яъни тиббий реабилитация масаласини ҳам қамраб олгани ва муваффақиятли амалга ошириладигани хорижий мутахассисларда қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимизда бугунги кунгача қарийб 200 болага ушбу замонавий усулда малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

— Қизим Мунисахон дунёга келганда оиламиздагиларнинг қувончи чексиз эди, — дейди қосонсойлик Шохиса Мамаишова. — Тиббий қўриқлардан сўнг унинг эшитиш қобилиятини заиф эканлигини билиб, қаттиқ изтиробга тушдик. Қишлоқ врачлик пунктимиз шифокорларининг тавсияси билан Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказига олиб келдик. Қизим 2014 йилда янги усулда операция қилинди ва эшитиш қобилияти тўла тикланди. Ҳозирги кунда шифокорлар ва сурдо педагоглар ҳамкорлигида унинг нутқини ривожлантириш устида иш олиб бормоқда. Ота-она учун фарзандининг соғлом бўлиб вояга етаётганини кўришдан ортқ бяхт йўқ. Президентимизнинг узоким қўлаб қўриётган оқилона сиёсати туфайли қизим ҳам тенгдошлари каби соғлом бўлиб вояга етаётганидан бениҳоя мамнунман.

Айни пайтда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида давлат гранти асосида ушбу янги даволаш ва тиббий реабилитация усулини янада такомиллаштириш, реабилитация босқичида педагоглар ва ота-оналар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда.

Марказ олимлари эришаётган бундай ютуқлар хорижда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Мамлакатимиз ҳукумати, Европа Иттифоқи ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида амалга оширилган «Она ва бола саломатлиги» лойиҳаси доирасида олиб борилган баҳолаш натижалари якунида юртимизда тиббиёт ва самарали перинатал парвартиш усуллари татбиқ этиш, болалар касалликларини интеграллашган усулда даволаш бўйича салмоқли натижаларга эришилгани қайд этилди. Халқаро экспертларнинг фикрича, ҳомиланинг туғилиш пайтидаги асфиксияси, неонатал гипотермия, ўткир ичак касалликлари қамайганлиги ҳамда доридармонларни рационал ишлатиш қабили юқори муваффақият ҳисобланади.

Халқаро миқёсда ўтаётган кўпгина анжуманларда бундай ўзига хос натижалар алоҳида эътироф этилмоқда. Хусусан, 2014 йили ўтказилган мамлакатимиз педиатрларининг еттинчи съездида Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараёнинг фаол иштирокчиси экани ва бу борада давлатлар олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳаётга татбиқ этаётгани ҳамда белгиланган йўналишларда қўллаб-қўллаш кўрсаткичлари бўйича етакчилик қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Эътиборлики, тиббиётимизнинг бундай ютуқларини янада оммалаштиришга йўналтирилган илмий лойиҳалар қўламини тобора кенгаймоқда. Бугунги кунда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида ўнга яқин давлат гранти асосида педиатриянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Илм-фанимиз ва амалиётда эришилаётган юқори натижаларни ҳудудларда кенг оммалаштириш ҳам доимий эътиборда. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу йўналишда умумий амалиёт врачлари, педиатрлар, неонатологлар иштирокида ҳудудларда янги технологиялар намойишига оид юздан ортқ маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Уларда олимларимизнинг далилларга асосланган тиббиёт ютуқлари, тиббий стандартларни жорий этиш, профилактика, диагностика, даволашнинг замонавий усуллари оид тадқиқотлари ва янги даволаш усуллари бўйича тажриба алмашилди.

Жамиятимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бундай ислохотлар ҳар томонлама соғлом авлодни шакллантириш ва вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2005 йилдан буюн мамлакатимизда ривожланишида тўғма нуқсонли бўлган болалар 1,3 баробар қамайди. Болалар ўртасида ўткир юқумли касалликларга чалиниш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 фоизга ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга қамайди. Мамлакатимизда болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг стандартларига тўла мос келади.

Буларнинг барчаси юртимизда ҳар хилдан баркамол, соғлом авлод вояга етаётгани, халқимизнинг соғлом авлод камолотини кўриш билан боғлиқ орзулари рўйбга чиқаётганининг далolatидир.

**Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири**

ЁШЛАР УЧУН МАҲОРАТ САБОҒИ

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда ўзбек профессионал мусиқаси ва бастакорлик мактабига ҳисса қўшган устоз-мураббийлар ва ёшлар қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат консерваторияси профессорлари Мирҳалил Махмудов, Мустафо Бафоев, Аваз Мансуровлар ҳамда доцентлар Хуршида Ҳасанова, Ойдин Абдуллаевлар сўз олиб ёш ижодкорларга бастакорлик санъатининг сир-синоатлари, қўлғулаштириш масалалари, замонавий мусиқа оламидаги янгиликлар, янги мусиқалар ва мусиқий-техник услублар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўйлаймизки, ана шундай учрашувларнинг ўтказилиши бўлажак ижодкорлар ва мутахассисларнинг келгусида малакали кадрлар бўлишларига, ўзбек мусиқасини янада ривожлантиришга, ўзларининг янги ғоялари билан ҳисса қўшишларига муҳим омил сифатида хизмат қилади.

**Достон РАСУЛОВ,
Республика эстрада-цирк коллежи ўқитувчиси**

Чилонзор туманидаги 164-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган соғломлаштириш майдончаси ўғил-қизлари учун "Ёзни "Қамолот" билан!" лойиҳаси доирасида "Болажон" сув ҳавзасида машғулотлар ўтказилди.

"Қамолот" лойиҳалари

СУВ ҲАВЗАСИДАГИ МАШҒУЛОТЛАР

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир доирасида сув ҳавзаси мураббийлари томонидан чўмилиш қондалари, турли хил ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш борасида тушунтириш ишлари ўтказилди. Соғломлаштириш майдончасида ёзги таътилда бўш вақтларини мазмунли ўтказиётган 50 нафар ёшлар узоқ масофага чалқанча сузиш, сув остида кўп вақт туриш, сув футболли бўйича ўзаро беллашди.

Мусобақаларда фаол иштирок этиб, ғолиб бўлган ўқувчиларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрликлар топширилди.

Замира РАҲМОНОВА



Иқтидорли, интилувчан ёшлар — юрт келажаги

Сарвар Ўрмонов олган сурат

ЮРТ ОБОДЛИГИГА МЕНИНГ ҲИССАМ

Ҳашар энг қадимий ва боқий қадриятларимиздан бири эканлиги, унинг замирида халқимизнинг Ватанини севиш, юртни обод этиш, инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат каби беқийс фазилатлари намодён бўлиш барчамизга маълум.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шахарчаси Етакчилар Кенгаши ходимлари ва фаоллардан иборат кўнгилли ёшлар иштирокида "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида шахарча ҳудудида жойлашган "Чимирота" қабристонидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бинобарин, миллий қадриятларимизни улуғлаш, ўтганлар руҳини хотирлаш, кексаларга нисбатан ҳурмат ҳиссида яшаш ҳар бир ёшнинг бурчи десак, муволажа бўлмайди. Худди шу мақсадни кўзлаб ҳашарда иштирок этган ёшларнинг кўзларида қувонч ва юзларида мамнуниликни кўрдик.

"Қамолот"нинг кўнгилли ёшларидан ташкил топган ишчи гуруҳи қабристоннинг ён-атрофида мавжуд бегона ўтлар-

ни ўриб, қабристон ичидаги йўлакларни супуриб, атрофларини қуриган хаслардан тозалашди ва қаровсиз қабрларни ободонлаштириш ишларини амалга оширди.

— Ҳашардан кўзланган асосий мақсад ёшларимиз онгидан она Ватанга муҳаббат, юрт ободлиги, ўтган аждодларимиз руҳини улуғлаш каби муқаддас қадриятларимизни янада кучайтиришдан иборат, — дейди "Қамолот" ЕИХ "Ёшлик" талабалар шахарчаси Етакчилар Кенгаши раиси Фаёз Қўшақов. — Дарҳақиқат, бу каби ҳашарларнинг ташкил этилиши ёшлар орасида миллий қадриятларнинг ривож топишига, ўзбек халқи орасида удумга айланган бегараз ижтимоий ҳамкорлигининг янада шаклланишига, хайр-саховат ишларининг барқарорлашишида муҳим омил бўлади.

Зарина РУСТАМОВА

МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ



БУГУНГИ ҲОЛАТ

АВВАЛГИ ҲОЛАТ

Спорт янгиликлари

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Тошкент шаҳрида тайёргарлик машғулотларини якунлаб, Бразилияда бўлиб ўтайдиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун йўл олди.

Юнон-рум курашчиларидан Жавохир Мираҳмедов (50 кг), Ислон Баҳромов (55 кг), Қамариддин Зайниддинов (60 кг), Арам Варданян (66 кг) юртимиз шарафини ҳимоя қилса, эркин курашда Хожиакбар Ўткиров (50 кг), Давлатбек Исматов (60 кг), Сирожиiddин Ҳасанов (66 кг) гилам-

га чиқади. Ёш полвонларга Равшан Рўзикулов ҳамда Олим Ҳикматов каби тажрибали мураббийлар бошчилик қилмоқда.

Жаҳон чемпионатидаги рақиблари имкониятини яхши билган истеъдодли ёшларимиз нуфузли мусобақанинг совриндорлари қаторидан жой олиб, юртимизга медаллар билан қайтишни мақсад қилишган.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2016 йилнинг январь ойида Қатарда ўтказиладиган 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатида қатнашиб, Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишни мақсад қилган.

ЎРТОҚЛИК
УЧРАШУВЛАРИ
ЎТКАЗИЛАДИ

Ушбу мусобақага тайёргарлик қўриш учун Виктор Жалилов бошчилигидаги жамоа 27 августда бир неча ўртоқлик учрашувларини ўтказиш учун Словакияга йўл олади. Ўртоқлик учрашувларида футболчиларимизга Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания, Саудия Арабистони ҳамда мезбон Словакия олимпия терма жамоалари рақиблик қилади. Эслатиб ўтамиз, Осиё чемпионатида қўрғи-ташлаш маросими жорий йил 12 сентябрда ўтказилади.

ҲОЛИБ ПЕНАЛТИЛАР БЎЙИЧА
АНИҚЛАНДИ

Футбол бўйича ўн тўққиз ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Япониянинг Хиросима шаҳрида бошланган халқаро турнирда польшалик тенгдошлари устидан ғалаба қозонди.

Жасур Абдураимов шогирдлари ўйиннинг асосий вақтини 2:2 ҳисобидаги дуранг билан якунлади. Учрашув давомида футболчиларимиз тўп учун охиригача курашиб, жисмоний ҳолатлари маромида эканлигини ҳамда қисқа тўп узатишларни тезкор фикрлаган ҳолда аниқ бажаришларини кўрсатишди. Баҳс тақдири мусобақа талабига биноан пенальтилар сериясида ҳал этилди. Унда омад Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига қулиб боқиб, рақиб 6:5 ҳисобида мағлубиятга учради.

Жанубий Кореяда бўлиб ўтган шахмат бўйича Осиё чемпионатида Жавохир Синдоров 8-турдан кейин 7,5 очко тўплаган ҳолда энг яқин таъқибчисини 2 очкога ортда қолдириб, мuddатидан олдин мусобақа ғолибига айланди.

ЖАВОҲИР СИНДОРОВ
ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Эътиборлиси, 10 ёшгача бўлган 32 та иштирокчи қатнашган ушбу турнирда ёш шахматчимиз илк бор классик шахматда

Осиё чемпиони бўлди. Бу унинг Су-вон шаҳрида қўлга киритган иккинчи медал бўлиб, биринчисини рапид йўналишда ютиб олган эди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида блиц, рапид ҳамда классик шахмат бўйича жаҳон чемпиони, энди қитъамизда ҳам тенгсиз эканлигини кўрсата олди.

Ботир ХҲҲАЕВ

ОРОМГОҲДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Ўзбек халқи азалдан болажон. Мамлакатимизда бола тарбияси, ўғил-қизларнинг маънавий жиҳатдан юксак, билимдон, жисмонан соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишларига алоҳида эътибор берилиши ҳам шундан. Мустақиллик йилларида бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги "Спорт соғломлаштириш" номли ёш болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳида ана шундай хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда "Ватан келажиги — сенинг қўлинг" шiori остида маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбири ўтказилди.

Мазкур тадбир Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда болажонлар учун "Кувноқ стартерлар" мусобақаси, "Сен тарихини биласанми?", "Гулхан атрофида

баҳслар", "Одам савдоси — давр муаммоси" мавзуларида давра суҳбати ҳамда "Биз — гийҳвандликка қаршимиз" ва "Юртим жамоли" шiori остида асфальтга расм чизиш кўрик-танловлари уюштирилди.

Шунингдек, бадиий қисмда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаларининг чиқишлари ёшларга янада завқ-шавқ улашди.

Давра суҳбатида фаол иштирок этган ўғил-қизларга, мусобақалар ғолибларига диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ҳабиба Йўлдошева
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
Козим Улмасов олган сурат

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ўтказиладиган мамлакат XXIV миллий чемпионатининг 17-тур беллашувлари яна пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган клубларга омад келтирди.

СЕРМАҲСУЛ
БАҲСЛАР

Ўз майдонида "Кўкюн — 1912" жамоасини қабул қилган амалдаги чемпион "Пахтакор" тўлиқ устунликка эришиб рақибини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шунингдек, "Бунёдкор" ҳам Тошкентда "Қизилқум" жамоаси билан куч сынашди. Айтиш жоизки, меҳмонлар имкон қадар мезбонлар билан тенгма-тенг ўйнашга ҳаракат қилишди. Аммо тажрибали мезбонлар 2:1 ҳисобида зафар қучиб муҳим уч очкога эга бўлишди. Элдор Шомуродов меҳмонлар дарвозасига иккита гол киритиб мухлисларни хушнуд этди. "Қизилқум"дан Алимов гол муаллифи бўлди.

Жорий йилда ҳам фақат чемпион бўлишга интилаган "Локомотив" Фарғонада "Нефчи"ни 2:1 ҳисобида мағлуб эта олди. Кетма-кет икки турда мағлубиятга учраган "Нефчи"нинг энди совринли ўринлар учун курашиши анча қийин кечади.

Қолган баҳсларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Металлург" — "Навбахор" — 2:3, "Андижон" — "Машвал" — 1:0, "Сўғдиёна" — "Шўртан" — 0:2, "Динамо" — "Бухоро" — 2:0, "Насаф" — "Олмалик" — 2:0.

Турнир жадвалида "Пахтакор" карвонбошлик қилаётган бўлса, ундан кейинги ўринларни "Локомотив" ва "Насаф" банд этиб туришибди.

(Ўз мухбиримиз)



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатиغا!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ри-
вожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент ша-
ҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo
xizmati" МЧЖ бошлангич нарх босқичма-босқич
ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аук-
цион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидеги, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Катортал кўчаси, 38-уй манзилида жойлашган умумий майдони 230 кв. метрга тенг бўлган бир қаватли бионинг ер тўласи (ошхона).

Бошлангич нархи — 488 085 035 сўм.

Баландда савловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 11А-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт: www.1kms.uz. электрон почта: rieltorsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 14 сентябрь кунни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 11А-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кунни бўлиб ўтмаган тақдирда, тақририй савдолар 2015 йил 28 сентябрь, 13, 27 октябрь, 10, 24 ноябрь, 9, 23 декабрь, 2016 йил 7, 21 январь, 4, 18 февраль, 3, 18 март кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманоме қабул қилиш билдиришноме эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномеда кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кунни савдо бошланишидан уч соат олдин таомом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси га талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусxada тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончноме; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончноме; — аукцион тўғрисидаги билдиришномеда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 11А-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltorsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gkl.uz, www.gktoz.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш ҳарёида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефони га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 1996 йил 21 июнда реестр рақами 63-сон билан ҳисоб рўйхатига олинган Ўзбекистон "Халқ бирлиги" ҳаракатининг Тошкент шаҳар Юнусобод туман кенгаши Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 15 июлдаги Хал қилув қарорига қўра тугатилганлиги муносабати билан Бошқарма томонидан Кенгашга берилган 63-сонли гувоҳнома, устав ҳамда унга тегишли бўлган муҳр ва штамплари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ҳамшаҳарлар!

Тошкент шаҳрининг туманларида 2015 йил 1 августдан 1 октябргача ташкил этиладиган Марказий "Мактаб бозорлари" рўйхати

Учтепа тумани "Г-9а" мавзеси, Фарҳод кўчаси (Фарҳод деҳқон бозори ён томонидаги автотўхташ жойида)
Бектемир тумани "Триумфират курилиш" МЧЖга қарашли "Қўйлиқ савдо мажмуаси"да
Миробод тумани Ўзбекистон кўч. 17-уй, "Тошкент универмаги"да
М.Улугбек тумани Сайрам кўчаси 39-уй, "Бўз" бозорининг кириш қисмида
Олмазор тумани Талаба кўч. 2-уй, "Акмал Зиё" ХК дўкони олдида

Сергели тумани Сергели-3, Янги Сергели ва Оби-хат ёқ кўчалари кесишувида
Чилонзор тумани Чилонзор кўч. 55-уй, "Чилонзор савдо маркази" олдида

Яшнобод тумани Ўзбекистон Республикаси Мудо-фаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази (Авиа-созлар) олдидаги майдонда

Шайхонтоҳур тумани Тошкент савдо маркази дўко-ни олдида

Юнусобод тумани Амир Темури шоҳқўчаси ва Аҳмад Дониш кўчаси кесишувида ("Юнусобод" супермаркети дўкони олдида)

Яккасарой тумани Шоҳжаҳон кўчаси автотўхташ жойи олдида ("Аския деҳқон бозори"нинг кириш қисмида)
Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги деҳқон ва буюм бозорларида тадбиркорлар томонидан мактаб бозор-лари шаклида ўқув қуроллари, қўлланмалари, кийим-кечаклар, пойабзаллар савдоси ташкил этилади.

Тошкент Оқшом

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95.
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефони га мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6541 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ